Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 215 (14.378).

1969 СЕНТЯБРЬ 14 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ЮБИЛЕЙ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ!

ФАРҒОНА область Ленинград районидаги «Социализм» колхози областда биринчилар қаторида теримга тушди. Чевар теримчилар дастлабки кунларданоқ катта ғайрат кўрсата бошладилар. Суратда: шу колхознинг илғор теримчиларидан Мунисой Абдуллаева. У мавсумда 15 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган.

Ю. Умаров фотоси.

ПАХТА КАРВОНИ

БУХОРО. («Совет Узбекистони» мухбири). Қадимий Бухоронинг беповён далаларида пахта чаман бўлиб очилмоқда. Теримчилар енг шимариб ишга тушганига 7-8 кун бўлди. Улар дастлабки тонналарни хирмонларга уйдилар.

Қоракўл, Свердлов, Ромитан, Шофиркон, Бухоро районларида пахта йиғим-терими айниқса авжида. Пешқадам хўжаликлар, илғор бригада ва звенолар кунига йиллик планнинг 1,5—2 процента миқдорида ва ундан ҳам ошириб пахта териш ва тайёрлашга эришмоқдалар.

Қоракўл райони пахтакорлари йиғим-теримда олдинги ўринда боришляпти. Улар бу йил она Ватанга 55 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Район пахтакорлари республикамизда биринчи бўлиб қизил карвон ташкил этиб, қабул пунктларига дастлабки ҳосилни жўнатдилар.

«Ленинград», «Москва», «Шарқ юлдузи», «Октябрь» колхозларининг пахта карвони айниқса салмоқли бўлди. Мазкур хўжаликлар давлатга биринчи куни 35—40 тоннадан пахта топширдилар. «Ленинград» колхозидан А. Ҳамроев, «Москва» колхозидан О. Ҳасанов, «Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Баракаева ўртоқлар бошлиқ бригадалар кунига йиллик планнинг 3,5—4 процентига етказиб пахта тайёрлаб, юқори кўрсаткичга эришаётирлар.

Район пахтазорларида бу йил 180 дан ортиқ «зангори кема» ишлайди. 20 минг тоннага яқин пахта бункерлардан тўкилади.

Т. НАЗИРОВ.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

ШЕРОБОД («Совет Узбекистони» мухбири). Ленин номли ва Охунбоев номли қўриқ совхозларда машина теримига тайёрлик кун сайин қизиб бормоқда. 3200 гектар пахта майдонидан 2500 гектарини машина билан териб олиш мажбуриятини олган Ленин номли совхозда ҳозиргача 1500 гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди. Бу ерда ҳар куни 250 — 300 гектар ердаги ғўзани граждан ҳаво флоти учувчиси Г. Деминденко сифатли дефолиация қилмоқда. Совхознинг Х. Камолов, Х. Хайдаров ва А. Бўтаев ўртоқлар бошлиқ 1, 3- ва 4- бўлимларда ғўзаларни дефолиация қилиш тўла тугалланди. Совхозда машина теримини 16 сентябрда бошлаш учун ҳамма тайёгарликлар кўрилди. 32 та терим агрегатининг ҳаммаси тахт қилиб қўйилди. Бу агрегатлардан 18 таси тўрт қаторли «Узбекистон» маркасидаги терим машиналаридир. Совхозда пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун 59 та тележка, 30 та кўрак юладиган, 7 та кўрак чувийдиган механизмларнинг ҳаммаси тахт қилиб қўйилди.

Машиналарни икки сменада ишлатиш учун 73 механик-ҳайдовчи тайёрланди. Хўжалик коллективи давлатга пахта сотиш планини 10 октябрга, мажбуриятни 1 ноябрга бажариш учун курашмоқда. Бу ерда машинада 4 минг тонна пахта терош, ҳар бир агрегат билан камида 125 тоннадан пахтани бункерлардан тўкиш мажбурияти олинди. Механик-ҳайдовчилардан Чинни Худоёрова ва Мамат Маллаев 300 тоннадан, Йўлдош Абдурахмонов 250 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, райондаги Охунбоев номли совхозда ҳам пахтани машинада теришга ҳозирлик қизитиб юборилди. Бу ерда ҳозиргача 2700 гектар майдондан 800 гектари дефолиация қилинди. Совхоз коллективи машина теримини 18 сентябрда бошлаб, йиллик планни 10 октябрга, мажбуриятни эса 25 октябрга бажариш учун курашмоқда.

А. ХАЛИЛОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР

«Советская Кубань» (Краснодар), «Хорезмская правда» (Урганч), «Кримская правда» (Симферополь), «Наддніпрянська правда» (Херсон), «Ленин жолы» ва «Путь Ленина» (Қизил Урда), «Советская Қаракалпакия» (Нукус) газеталари шоликорларнинг йўқламасини ўтказмоқда. Бу газеталар деҳқонларнинг мусобақаси тўғрисида, шоли етиштириш проблемалари ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни босиб чиқармоқда. Звено бошлиқлари, механизаторлар ва мутахассислар газета саҳифаларида ўз тажрибаларини баҳам кўрмоқдалар.

Қизил Ўрда областидаги «КПСС XXI съезди», совхозининг звено бошлиғи Қосим Бодеев барча республикаларнинг шоликорларига мурожаат қилиб: «Келинглар, шундай ишлайлик, Сирдарё, Кубань, Днепр, Амударё, Қоратоғ соҳиларида ва Қримда гектар бошига 60—70 центнердан кам ҳосил олинмайдиган бўлсин», деб даъват қилди. Унинг чақириғига барча шоликор районларнинг меҳнатчилари бажонидил қўшилдилар. Қрим областидаги «Пятиозерний» совхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Руденко, Хоразм областидаги «Коммунизм» колхозининг Н. Пак, Ан Сен Гим ва М. Султонов бошлиқ бригадалари Қосим Бодеев даъватига биринчи бўлиб қўшилдилар.

Миришкор шоликорларнинг юбилейнга бағишланган мусобақаси тобора кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.

Мусобақа ташаббускорлари бўлган қизилўрдаликлар ҳозир шолини муваффақиятли равишда йиғиштириб олдилар.

(ТАСС мухбири).

Қизил Урда.

ШОЛИ ЎРИЛА БОШЛАДИ

Амударё этакларида шоли ўрила бошлади. Чапаев номли совхозда Наби Жайнқбоев бригадасининг далаларига биринчи комбайнлар чиқди. Қорақалпоғистон АССРдаги бу катта хўжаликнинг меҳнаткашлари 1850 гектар ернинг ҳар биридан давлатга 35 центнердан ҳосил топширишга қарор қилдилар.

[ЎзТАГ].

ЯНГИ ҲОСИЛ

Қуёш саҳий нурларини энди соча бошлаганда Ҳалима Йўлдошева, Тожихон Мўйдинова каби чевар қизларнинг этаклари тўлиб, янги этак тутган эдилар. Биз улар пахта тераётган этатга кириб бордик. Қизлар терим ҳаддини шунча олганларки, бир грамм ҳосил ҳам чаноқ ичида қолмайди. Шунинг учун ҳам бу чеварлар кунига 100—120 килограммдан пахта термоқдалар.

— Бу йил,—деди колхоз раиси СССР Олий Совети депутати Жўра Охунов, — энг яхшиларни Москвага колхозчилар учинчи съездига делегат қилиб сайлаймиз.

1350 гектар ерда мўл ҳосил етиштирган «Шарқ юлдузи» колхози азаматлари фақат Янгиқўрғон районида эмас, бутун Наманган областида биринчи бўлиб теримга киришганлар қаторида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил Ватан хирмонига ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил топшириб, 4375 тонна «оқ олтин» армуғон қилмоқчилар.

Ҳ. ЮСУПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИРҒИЗИСТОН ССР ФАН, МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп миллатли совет социалистик маданиятини ўзаро бойитиш ва янада ривожлантириш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтириш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган Ўзбекистонда Қирғизистон адабиёти ва санъати декадасини тайёрлаш ва ўтказишдаги самарали фаолиятлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Қирғизистон Ёзувчилар союзи;
Қирғизистон Композиторлар союзи;
Қирғизистон рассомлар союзи;
Қирғизистон Кинематографчилар союзи;
Қирғизистон Журналистлар союзи;
Қирғизистон Театр жамияти;
Қирғизистон ССР Фанлар академияси;
Қирғизистон давлат Ленин орденли опера ва балет академик театри;
Қирғизистон давлат Меҳнат Қизил Байроқ орденли драма театри;
Қирғизистон давлат Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тўхтағул Сотилганов номидаги филармонияси;
Қирғизистон ССР давлат Қорамўлда Урозов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри;
Қирғизистон эстрада ансамбли;
Қирғизистон халқ рақс ансамбли;
«Қирғизфильм» киностудияси;
С. М. Киров номидаги Уш ўзбек музикали драма театри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 12 сентябрь. Тошкент шаҳри.

Расмий хабарлар

ДЎСТОНА СУҲБАТ

12 сентябрда Софияда Болгарияда социалистик революциянинг йигирма беш йиллиги байрамига келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков ҳамда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ғоят дўстона, самимий вазиятда ўтган суҳбатда Н. В. Подгорний ва Т. Живков ўртоқлар партия ва давлат ҳамкорлигининг ҳамма соҳаларида Совет—Болгария қардошларча муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги масалалари ва халқаро аҳволнинг баъзи актуал масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан қарашларнинг ва баҳоларнинг бир-бирига тўла мос эканлиги яна бир бор таъкидланди. (ТАСС).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОЛГАРИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 12 сентябрда Софиядан Москвага қайтиб келди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Соломенцев, СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Ҳарбий Денгиз Флоти Бош қўмондони, Совет Иттифоқи флоти адмирали С. Г. Горшков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССРнинг Болгария Халқ Республикасидаги элчиси А. М. Пузанов бор эди.

(ТАСС).

АВСТРИЯЛИК МЕҲМОН

Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Э. Шарф Тошкентга келди. У ҳозир Совет Иттифоқида дам олмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 13 сентябрда Э. Шарфни қабул қилиб, у билан дўстона суҳбатлашди. Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ХАНОЙДАН ҚАЙТА ТУРИБ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти Хо Ши Минни дафн этиш маросимида қатнашган Куба Республикасининг делегацияси Ханойдан қайта туриб, 13 сентябрга ўтар кечаси Тошкентга келди. Делегацияга Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси майор Хуан Альмейда Боске бошчилик қилмоқда.

Аэропортда делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов кутиб олди.

13 сентябрда кубалик меҳмонлар Самарқандда бўлиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Самарқанддан қайтиб келганларидан кейин делегация аъзолари Тошкент қисилишларини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон жамоатчилиги республика илмий методик журнали «Совет мактаби»нинг 50 йиллигини нишонлади. Шу воқеага бағишланиб Тошкентда ўтказилган йиғилишда журналнинг бош редактори А. Суюмов доклад қилди.

(ЎзТАГ).

БУГУН — ТАНКЧИЛАР КУНИ



Совет халқи ҳар йили шонли Танкчиларимиз кунини эҳтиёт ва ҳурмат ва юксак фахрланиш туйғуси билан байрам қилади. Бу — танкчиларимизнинг шон-шуҳрат кунидир, танк техникамизни бунёд этган ишчилар, инженерлар, конструкторларнинг жанговар кўрик кунидир.

Ватанимиз хавфсизлигининг қалқони, деб аталган танк техникаси ва танк қўшинларимизнинг тўғнлиши ҳамда волга етиши В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғланганлиги. Совет танк қўшинларимизнинг вужудга келиш тарихи жуда қисқа муддатни ўз ичига олади. У гражданлар уруши даврида бошланиб, Улуғ Ватан уруши даврида ўзининг куч қудратини тўла ва ёрқин намойиш қилди. Танк қўшинларимиз бошқа турдаги қўшинлар қаторида совет халқининг буюк ғалабасини таъминлаш учун мислсиз жасорат кўрсатдилар. Уларнинг қаҳрамонликлари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилгандир.

Совет халқининг қаҳрамонлик тарихига назар ташлар экамиз, Москва остонасида бўлган жангларда, Сталинград жангида, Курскдаги катта олишувда, Корсунь-Шевченко, Белоруссия, Висла-Одер, Берлин операцияларида ва бошқа қатор тўқнашувларда танк қўшинларимизнинг мардонавор ҳаракати беқиёс бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз урушдан кейинги йилларда танк қўшинларини янада такомиллаштириш юзасидан катта тадбирларни амалга оширди. Ҳозирги кунда танк қўшинларимиз қуруқлиқда душманга қақшатқич зарба бера олувчи ҳамда жангларда энг муҳим вазифаларни бажара олиши мумкин бўлган ишончли кучга айланиб қолди. Эндиликда у душман ҳимоясини бемалол ёриб кириш, йирик сув тўсиқларидан кечиб ўтиш, юзма-юз тўқнашувларда душман кучларига зарба бера олиш салоҳиятига эгадир.

Танкчи жангчиларимизнинг ҳозирги ёш авлоди ўз ота боболарининг шон-шуҳрат ва жанговар традицияларини давом эттиришга лойиқ кишилар бўлиб етишмоқдалар.

Жасур танкчиларимизнинг бугунги байрами доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйи арафасида нишонланмоқда. Шонли танкчиларимиз Совет Қуролли Кучларининг кучқудратини ошириш ва мустаҳкамлаш, жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришиш соҳасида доҳий васиятларига доимо амал қилмоқдалар. Улар ҳар доим Ватанимиз ва халқимиз ҳавфсизлигини сақлаш учун ўз жанговар постларида эйрак ва ҳушёр турибдилар.

Танкчилар атака қилиш машқида.
Н. Акимов ва В. Мусаэльян фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

СССР Мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1969 йил 14 сентябрь № 215 Москва шаҳри.

Армия ва флотнинг жангчилари, ўртоқлар!
Танкчи ўртоқлар!
Танк саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари, ўртоқлар!
Танк қўшинларининг ветеранлари!

Бугун совет халқи, армия ва флот жангчилари Танкчилар кунини байрам қилмоқдалар. Бу традицион байрам В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига тайёргарлик кенг миқёсда авж олдириб юборилган, КПСС XXIII съезднинг тарихий қарорлари муваффақиятли амалга оширилаётган бир шароитда нишонланмоқда.

Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Ленин йўлидан коммунизмнинг янги ғалабаларн сари комил ишонч билан бормоқдалар. Ватанимиз кун сайин қудратлироқ бўлиб бормоқда. Социалистик экономика янги марраларга эришди, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирилмоқда.

Партиямиз коммунистик қурилишга раҳбарликни амалга ошираётганида — империализмнинг агрессив ҳаракатлари натижасида ҳозирги халқаро вазиятда вужудга келган мураккаб аҳволни ҳисобга олмоқда, Совет давлатининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, армия ва флотнинг жанговар қудратини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Танк қўшинлари такомиллаштирилмоқда ва қуроллантирилмоқда.

Ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларига содиқ бўлган совет жангчилари Ватанимиз чегараларини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқдалар, қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан узвий биргаликда социализм ғалабаларини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар.

Сизларни Танкчилар куни байрами билан табриклайман ва қутлайман. Танк қўшинларининг бутун шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий маҳоратни, доимий жанговар тайёрликни оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Танк саноати ходимларига қудратли бронетанк техникасини вужудга келтиришда бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.

Танкчилар кунини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 14 сентябрда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада ва қаҳрамон Брест қалъасида тўпларидан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин шавкатли Совет Қуролли Кучлари ва уларнинг танк қўшинлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.

14-СЕНТЯБРЬ—ТАНКЧИЛАР КУНИ

АСОСИЙ ЗАРБДОР КУЧ

ТАНК ҚЎШИНЛАРИ ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИГИ ГРИГОРИЙ ОРЕЛ БИЛАН СУҲБАТ

Бугун бутун совет халқи ва унинг шонли жангчилари Танкчилар кунини тантанали вазиятда нишонламоқдалар. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан 1946 йилда белгилаб қўйилган бу байрам совет танкчилари ва танксозларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги хизматларига берилган юксак баҳодир, танк қўшинлари жанговар қудратини мустаҳкамлаш тўғрис и д а партия ва бутун халқ ғамхўрлигининг ифодасидир.

Шу байрам арафасида Новости матбуот агентлиги мухбири танк қўшинлари генерал-полковниги Григорий Николаевич Орелга мурожаат қилиб, танк қўшинлари, танкчиларнинг ҳаёти ва жанговар ўқиши тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Қуйида шу суҳбат босилмоқда.

— Сизнинг фикрингизча, танк қўшинлари СССР Қуролли Кучларида қандай ўрин эгаллайди?

— Совет Армиясининг танк қўшинлари қўшинларнинг нисбатан ёш турларидан бири ҳисобланади. Танк қўшинлари вужудга келтирилганидан буён орадан бир неча ўн йил ўтди. Шунга қарамай, танк қўшинлари жуда тез ривожланди ва қуруқликдаги қўшинларнинг асосий зарбдор кучига айланди.

Совет ҳокимияти ташкил топган дастлабки йилларда вужудга келган танк қўшинлари ҳар қандай агрессорнинг ҳамлаларидан Совет давлатини ҳимоя қилишнинг энг қудратли замонавий воситаларидан бири бўлиб қолди. Танк қўшинлари қудратли зарбдор кучдан ва юксак даражада маневр қилиш ва ўт очиш қувватидан фойдаланиб, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳужум қилаётган Совет Армиясининг доим олдинги сафида борди. Танк қўшинлари немис-фашист босқинчилари вақтинча ишғол қилиб олган шаҳар ва қишлоқларга биринчи бўлиб ёриб кирдилар, озод қилинган қардош давлатлар — Польша, Руминия, Болгария, Чехословакия, Югославия ва Венгрия территориясига биринчи бўлиб кириб бордилар.

Совет танкчилари ўз мардликлари билан сўнмас шон-шуҳрат қозонишди. Совет танкчилари жанговар ҳаракатлар қилган жойларда уларнинг шарафига ҳайкаллар ўрнатилди. Совет танкчиларининг мислсиз мардлиги ва қаҳрамонлиги Волгоград ва Калачда, Орел ва Курскда, Прохоровка ва Белгород остоналарида, Борисов ва Минскда, Львов ва Катта Хинган чўққисининг тоғ довонида, шунингдек бошқа совет ҳамда чет эл шаҳарларининг майдонлари ва кўчаларида эсдалик танклари ўрнатилганлиги билан абадийлаштирилди.

Совет танкчилари озод қилган совет ва чет эл шаҳарларининг номи кўпгина танк қўшинларининг жанговар байроқларига ёзиб қўйилди.

Совет Армиясининг танк қўшинлари Ватанимиз душманларини тор-мор келтиришда ғоят катта роль ўйнади. Улар урушдан аввалги йилларда Совет давлатининг чегараларини шараф билан ҳимоя қилдилар ва фашистлар Германияси ҳамда империалистик Японияни тор-мор келтиришга бебаҳо ҳисса қўшдилар. Танк қўшинларининг жанговар ишларини Коммунистик партия, Ватан юксак баҳолади: танкчилардан 250 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 1150 дан кўпроқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон эгасидир. Шулардан 16 киши бу унвонга икки марта мушараф бўлди.

Шонли танксозларимиз ҳам жангчилар билан биргаликда буюк ғалабага замин тайёрладилар. Улар Улуғ Ватан уруши йилларининг ўзидагина 95099 танк ва ўзи юрар установкалар қуриб беришди. Танксозлардан 9000 дан кўпроқ киши меҳнатда кўрсатган жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Уларнинг кўплари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олдилар ва давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

— Бугуни кунда совет танк қўшинларининг кучи нимада? Танкчилар байрамни қандай муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар?

— Урушдан кейинги давр барча Совет Қуролли Кучлари қатори шонли танк қўшинларимиз учун ҳам кучқудратга тағин ҳам кўпроқ тўлиш ва сифат жиҳатидан ўсиб-юксалиш даври бўлди. Фан-техниканинг мислсиз тараққий этганлиги қуролли курашнинг янги воситаларини вужудга келтириш, уларнинг емириб ташлаш кучини ошириш, узоқ мўлжалларни ориш ва маневр қилиш қобилиятини кучайтириш имкониятини берди.

Ракета ядро қуроли яратилиши билан бронетанк қўшинларининг роли ва аҳамияти бекиёс ортди. Қудратли қуролга эга бўлган, ғоят тез юрадиган ва ҳимояси мустаҳкам бўлган танклар ядро зарбалари кетидан бевосита ҳаракат қилиши, шунингдек радиоактив заҳарланган зонани ва районларни ҳам ёриб ўтиши мумкин.

Совет танк қўшинлари тез юришлар қилиб, фақат кундузгина эмас, балки тунда ҳам ғоят жадал ҳужум олиб бора олади, сув ғовларини, шу жумладан жуда катта сув ғовларини ҳам кечиб ўтиш маҳоратига эга.

Совет танк қўшинларининг кучи уларнинг фақат ҳозирги замон техникаси билан қуролланганида эмас. Совет танк қўшинларининг кучи аввало, танк қўшинларида хизмат қилаётган кишилардадир. Фан-техника тараққиёти, ҳарбий ишда вужудга келтирган революция ана шундай такомиллашган техникага эга бўлган шахсий состав олдига янги ва жуда оширилган талаблар қўяди. Жангчининг маънавий ва сиёсий фазилатлари айни вақтда ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Совет танкчилари ғоявий жиҳатдан юксак даражада чиниққан, халқимиз ва партиямизга чексиз содиқ солдатлар, сержантлар ва офицерлардан иборат. Улар ҳар тарафлама билимли, сиёсий етук, ҳарбий техника жиҳатидан профессионал тайёргарлиги юксак даражага кўтарилган кишилардир.

Жангчи-танкчиларнинг ҳар куни қилаётган меҳнатлари осон эмас. Танк қўшинларида мерганларча ўт очиш ва жанговар машиналарни моҳирлик билан бошқарувчи юксак даражалик мутахассислар, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, шунингдек аълочи экипажлар, бўлинмалар ва қисмлар йил сайин кўпайиб боряпти. Танк қўшинлари жангчилари қўлга киритаётган муваффақиятлар диққатга сазовор. Бироқ уларнинг шахсий составви эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолиш мумкин эмаслигини жуда яхши билади. Ўз маҳоратини, жанговарлик қобилиятини ва қисмлар ҳамда қўшилмаларнинг жанговарлик қобилиятини муттасил ошириш танкчилар ўзлари учун қонун деб биладилар.

Танкчилар 1969 ўқув йилида жанговар такомиллашишнинг янгидан-янги марраларини қунт билан эгалламоқдалар. Жангчи-танкчилар бутун совет халқининг ҳаётидаги шонли воқеа — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

КПСС ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган танк қўшинларининг солдатлари, сержантлари, офицерлари ва генераллари Совет Иттифоқи, бутун социалистик лагерь манфаатларининг зийрак посбонлари бўлиб турибдилар.

(АПН).



■

Танк командири, комсомол аъзоси, ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси Бўлат Абсаломов тактик машғулотларда зўр маҳорат кўрсатиб, бошқаларга намуна бўляпти.

А. Асанов фотоси.

АФТИНГ ҚИЙШИҚ БЎЛСА...

ФЕЛЬЕТОН

Қорачадан келган, ўрта бўйли бир киши район матлубот жамияти омбори ҳовлисига икки қўлини орқасига қилганча, босаймибосаймми, дегандек қўдам ташлаб кириб борди-да, томоғини қириб секин йўталиб қўйди. Жавоб бўлмагач, яна ва яна йўталди. Ниҳоят, йўталавериб томоғи оғриб кетди шекилли:

— Ким бор? — деб сўради паллада товуш билан.

— Ўзимиз, келаверсинлар — деган овоз чиқди ичкаридан. Томоқ қирган киши ичкари кириб овозини бир парда кўтариб:

— Нега йўталганимда дарров югуриб чиқмадингиз? — деб сўради.

— Эшитмабсиз.

— Гапни чалгитмэнг. Нега чиқмадингиз деяпман? Менэ танимаётганга ўхшайсиз? Мен мухбир Юнус Эминов бўламан — билмасангиз билиб қўйинг!

Омбор мудири Карим Акбаров узр сўраб «Бундан буён йўтал овозини эшитса югуриб чиқжагини» айтди. Кейин Эминов 4 километр тахта сўраган бўлди. Омборчи яна узр сўради ва тахталар колхоз фермаси учун келтирилганлигини айтди. Униси у деди, буниси бу деди-дегандек, хуллас, тахминан 15 минутлардан сўнг ораларида мана бундай савол-жавоб ҳам бўлиб ўтди:

— Тахта деяпман!

— Ўшқирманг деяпман!

— Йўқ, десанг газетага ёзиб шармандангни чиқараман.

— Шэрманда бўладиган иш қилганим йўқ.

— Ўғрисан!

— Ҳозир милицияни чақираман.

— Милициянги ҳам қўшиб ёзаман... Шундай деди-ю, Эминов милициянинг дарагини эшитиб, қочиб қолди. Ўзиям космик тезлик билан чопган бўлса керак, орқасидан мотоциклда қувиб ҳам етиб бўлмади. Эминов қочганича қочиб кетаверсин, охири бир жойда тўхтар ахир. Тўхтаганда яна учрашармиз. Ҳозирча унинг номанамалидан икки оғиз сўзлаб турайлик... Мухбирлар борки, сўзлашсанг дилинг қувзайди, ёзганини ўқиб, маънавий озиқ оласан, халқнинг тилидагини, дилидагини топиб ёзгани учун уларга офарин айтинг келади. Илғорларни мақтайди, қолоқларни танқид қилади — қаттиқ ботмайди, негаки, одил ёзади. Одиллиги, янгиликни севиши, эскиликка муросасизлиги билан эл олқишига сазовор бўлган юзлаб мухбирлар борки, уларнинг поқиза исмини Эминовнинг попок фамилияси қаторига ёзишни эп кўрмайсан, киши.

Эминов маҳаллий газеталардан бирига бир-икки мақола ҳам ёзган. Ёзганлари атрофдан суюқ бўлгани учун ҳамманинг кўнглини айнитган, аста-секин кишилар қўлини ювиб, қўлтиғига артишган. Ана шундан сўнг Эминов дўқ-пўписа билан факт олиш йўлига ўтиб олди. Шунда кишилар «Бизни қўрқитгунча дадангни тартибга чақирсанг бўлмайдими?» деб танбеҳ беришади.

— Хўш, дадамга нима қилиб ди? — икки қўлини биқинига қўйиб дейди Эминов.

— Эсини танигандан буён бозорда чайқовчилик қилади.

Эминов ўшанда ҳам бўш келмайди:

— Сабзи-пиёз олиб сотиш чайқовчиликка кирмайди... — шундай деб бошқа идорага ўтади. Маорифгами, молия бўлимигами, ўг ўчириш командасининг идорасигами — ишқилиб қайси идоранинг эшиги очиқ бўлса, ўша ерга кириб бошлиқнинг қаршисига кўзини лўқ қилиб ўтириб олади-да, «хўш, нега ойлик плэнни бажармаяпсиз?» деб сўрайди. Бошлиқ аввалига ҳайрон бўлади, кейин ўзини босиб «Ўртоқ Эминов, аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ деганларидек, аввало ўзларини сал тартибга келтириб олсалар бўлармиди...» деб қўяди. Чиндан ҳам кечки мактабга мудир бўлиб олдим деб, бировнинг аттестатини Тўхлиевга 90 сўмга сотиб юборган ҳам шу Эминов бўлади, муаллима Лила Ивановна бетоб бўлиб қолганда унинг пулини 5 ой давомида ўзига ёзиб олган ҳам шу. Ўқиб-ўқимэй юрган синглиси Замирага аттестат ёзиб берган ҳам шу, кечки мактабни битираётганлардан вечер баҳонасида пул йиғиб, ётиб қолгунча маишат қилган ҳам шу, колхозчи Муҳаммад Розиқовни калтаклаб, милиция борганда, «ҳаммангни отиб ташлаймэн» деб милтиқ ўқталган ҳам шу Эминов бўлади.

Эминовнинг «Мен мухбирман, мени тергашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди...» деб қилган қора қилмишларини ёзаман десангиз дафтар етишмаслиги мумкин. Зерикарли қиссамизни якунлаб шуни айтмоқчимизки, шу кеча-кундузда унинг дастидан дод демаган бирон ташкилот йўқ. Райком, райисполком, э боринги, қайси бир идоранинг ходими билан гаплашманг ғўр узум чайнаб олгандек афтини жийириб, «уфф, яна унинг машмашасими!» деб қўл силтаб қўяди. Эминовнинг ўзи ҳам жамики ташкилотлардан, районнинг жамики кишиларидан норози. «Ҳурматимни жойига қўйишмаяпти, ҳаммасини боплаб фельетон қиламан, ёки бўлмаса, мен улар билан тегишли жойда гаплашиб қўяман...» деб жиғи-бийрони чиқиб юрибди. Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, дейдилар. Одамларки сендан юз ўгирибди, демак, бир лекини бор экан-да! Матбуот даргоҳига пок ва ҳалол кишигина киришга ҳақли. Кимки бу улуғ даргоҳга оёғида чакса лойи билан кирса, тез кунда Юнусали Эминовдек шарманда бўладики, ана ундан сўнг милициянинг дарагини эшитса, космик тезлик билан қочаверади. Шу пайтда, кўриб турганингиздек, Эминов ҳам орқа-ўнгига қарамай қочиб боряпти. Қаерда тўхтаса, ўша ерда ёзади у. «Мухбирга ҳужум...» деб ёзиши ҳам мумкин. Мабодо, қўлингизга ана шундай хат тушиб қолса «Эминовнинг навбатдаги туҳмати бу» деб қўя қоласиз.

Худойберди ТУҲТАБОЕВ.
Олтиариқ райони.

ҚАТРАЛАР

ОДАМЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШИ

◆

Тошкентдан ғиройда, Ғарбий Тянь-Шаннинг тошли сахнида, бир ярим минг метр баландликда мана бир неча йилдирки, ажойиб боғ гуллаб-яшнаб турибди. Уни Туронбой Дадаматов барпо этган. Агар бу киши бўлмаганида жаҳон фақат бир ерда — Сўқоқнинг нариги томонида, Қурама тизма тоғларининг ёнбағрида ўсадиган ажойиб узум — «Паркент гули»ни аллақачон унутиб юборган бўлур эди.

«Паркент гули» ўтган қишнинг қақшатқич совуғига бардош бердими? Ўзининг олтиндек меваси ҳудди илгаригидек одамларга инъом этяптими?

Жаннатнинг ана шу бурчагини биладиган кишилар кузнинг келишини ҳавотирлик билан кутишди. Мана, узоқ кутилган олтин куз ҳам келди. Тоғ ёнбағирлари йирик узум бошларига, тилларанг олмаларга, қирмизи анорларга безанди. «Паркент гули»ни фақат ҳалокатдан сақлабгина қолмай, балки уни анча баркамол қилиб олган Қурама соҳибкори Туронбой отанинг меҳнати ажойиб натижа берди.

◆ ◆ ◆

Сўқоқни ҳамма билади. Бу жойнинг тош ва шағали, қайнар булоқлари ҳаммага таниш. Сўқоқнинг нариги томонида, Қурама тоғларида нималар бор?

Тоққа чиқдик. Нақадар гўзал сан, Қурама! Атрофга қарасанг, жаҳоннинг ҳамма томони кўринади. Шарқда баланд тоғлар, Ғарбда туя ўркач паст-баландликлар тизилиб кетган; Жануб томонга қарасанг, Фарғона водийси яшнаб ётибди. Шимолда Чирчиқ воҳаси ям-яшил бўлиб кўринади.

Мана бу нима? Баҳайбат ялангоч тоғлар оралиғида ям-яшил боғ, ток ишкомлари қаёқдан пайдо бўлган? Бу водийнинг номи нима?

—Ҳозирча номи йўқ, — деб жавоб берди менга колхоз раиси Сотти Назаров, — лекин уни Туронбой водийси деб атамоқчимиз... Бу водийнинг эгаси бор, у Туронбой. Ҳу анови ёнғоқ остидаги чайлани кўряпсизми?

Пастга қараб туша бошладик. Йўл уёқда турсин, ҳатто сўқмоқ ҳам йўқ!

— Илгарилари бу ерда фақат ёввойи буталар ва анови икки тўп ёнғоқ бўларди, — деб Назаров қариб қолган дарахтларни кўрсатди.

Орадан ярим соат ўтгач, биз катта қоя ёнига етиб келдик. Унинг остидан икки булоқ қайнаб чиқмоқда эди. Бир-бирига жуда яқин бўлган бу булоқлар пастга қараб борган сари бир-биридан тобора узоқлашарди.

— Бу булоқлар ҳақида қизиқ бир воқеани айтиб бераман, — деб сўз бошлади Назаров. —Айтишга эртаг-у, аслида эртак эмас, ҳақиқатни айтсанг одамлар ишонишмайди. Бу булоқларнинг ёши нечада? Ким ҳисоблаб чиққан? Балки улар юз ва минг йил давомида оқкан ва фойдасиз оқкандир. Бир жойда пайдо бўлиб, биргаликда йўл олиб, сўнг ажралиб кетишган. Ер қаричма-қарич, қадамба-қадам уларнинг номини шимиб, охирида бутунлай қуритиб қўйган. Одамлар: «Мана шундай! Ернинг ўзгача одати бор, ўзи барпо этади ва ўзи ютиб юборади!» деб ҳайратда қолишган. Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар қувлаб ўтди ва бизнинг Туронбой ана шу дарага келиб қолди. У фақат бир нарса ҳақида — ер ва сув ҳақида ўйларди. Мана, у бўм-бўш косага ўхшаш водийни кўрди. Уни қандай қилиб тўлдирса бўларкин? Бу ерда ҳосил беришга қодир ер бор, лекин сувни қаёқдан олиш керак?

Турон ана шу хаёллар билан қишлоққа келди. Бутун қишлоқ аҳли биргалашиб ўйлашди. Нима қилиш керак? Эндиликда бизлар заиф эмас, балки кучлимиз. Бу ерда кетмон бир ўйинчоқдек, машиналар ёрдам беради. Шундай қарорга келишди: булоқларнинг оқимини ўзгартирамиз! Халқнинг сўзи қатъий, айтганини қилади. Биз бу булоқларни, таъбир жойз бўлса, елкамиз билан бурдик. Ҳавза қазидик. Яхшигина сув омбори ҳосил бўлди. Узоқ давр давомида бир-биридан жудо бўлган булоқларнинг суви учрашди, янги куч касб этди. Тома-тома кўл бўлур, деб бежиз айтилмаган...

Оз эмас, кўп эмас юз гектардан ортиқ ерга сув чиқарилди. Турон отани бригадир қилиб сайлашди. У ерни эъзозлади. сувга тўйгазди. Мана, энди илгари қаламдек ингичка кўчатлар қилтираб турган жойларда нима йўқ дейсиз!

Биз токзорни оралаб бормоқдамиз. Ширага тўлган узум бошларидаги гўк-гўк қора, ,яшил, гунафша-кўкимтир, сариғиш узум доналари... Бу ерда ҳамма навлар бор! «Нимранг», «Тоифи», «Бувакі», «Паркент гули»..

Назаров узум бошларидан бир донадан узиб олиб, мазасини татиб кўринг деб менга бера бошлади.

У «Паркент гули» навининг катта бир бошини нафтига қўйиб:

— Мана бу сизнинг чамангизда қанча келади? — деди.

— Менимча, беш-олти кило бўлса керак, бундай йирик узум бошларини фақат Ризамат ота Мусамуҳамедов боғида кўрган эдим, — дедим мен. Мен бошқа жойда бунга ўхшаш узум боши учрамаса керак деб ўйлардим...

— Бу Ризамат отанинг навидан,— деб гапини давом эттирди Назаров эноразорга олиб борадиган йўлга бурилгачи.— тўғри чамаладингиз. унинг оғирлиги олти килодан ортиқ эмас, лекин кам ҳам эмас. Биз ҳар йили Москвага, Халқ Хўжалиги Ютуқлари Выставкасига узум жўнатамиз. Лондонда Халқаро виставка бўлган эди, унда ҳам узумимизни намойиш қилдик. Бир хорижий журналист бизнинг «Паркент гули»мизни «Лондон қироличаси» деб атабди. Дарҳақиқат, чолни кўриб бувам дейдиган кишилар бўлади. Бу лондонлик жаноблар ҳам ана шундай тонфадаги кишилардан.

Бир киши ариқнинг бўйида чўккалаб ўтириб юзини ювмоқда эди. Овозни эшитиб ўрнидан турди. Унинг оқ оралаган қора соқолида, ажин босган юзларида, қорамтил бўйнида сув томчилари ялтираб кўринарди.

У чеҳраси очилиб кулди. Саломлашди.

— Иссиқ тандирдек қизитяпти,— деди Туронбой,—дарахтнинг учи қимирламайди. Бундай паллада фақат муздек сув танга ором бағишлайди Ариқнинг ичига кириб ётгинг келади...

Назаров бизларни боғ бўйлаб айлантиришни илтимос қилди. Туронбой ота олдинда борарди. Анор ва олманинг шоҳлари, анжирнинг ялалоқ барглари, ток навдасининг учлари юзимизга урилади. Гулларнинг ҳиди пишиб етилаётган меваларнинг ҳидига қўшилиб, қалбни қитиқларди. бир олам ҳузур бағишлади.

Туронбой дам у ерда, дам бу ерда тўхтаб, берилиб гапирарди. У ҳар бир дарахтнинг тарҳиман холини — қачон экилгани, гулга киргани, ҳосил бера бошлагамини биларди. У ҳар бир нав ҳақида бутун бир тарихни гапириб беришга тайёр эди.

— Мана бу паканага бир қиё боқинглар,— деди боғбон бўлиқ олмани кўрсатиб, — унинг баргидан кўра меваси кўп. У бўйга қараб эмас, балки энга қараб ўсади, бундай дарахтларнинг қадимдан севаман. Бу ёввойи олма билан қандиқ олманинг чатишгани.

— Гибрид дедингизми?

— Ҳа, жуда чиройли дарахт! Совуқдан ҳам, шамолдан ҳам қўрқмайди. Иссиққа, сувсизликка чидамли. Тоғда боғнинг тақдири қандай бўларди? Иккита булоқ, оқими жуволдиздек, сувни авайламасанг бунча дарахтнинг ҳаммасини қандай қилиб суғорасан? Эй қадрдон, ҳар қатра сув ерга қондек сингиб, асал бўлиб унум беради.

Биз боғни узоқ айландик. Туронбой ота гапириб чарчамасди. Менга у ҳар бир тўп дарахтни худди севимли фарзанди каби эркалатаётгандек туюларди. Ҳар бир гулга худди ўз боғини куйлаётган шоирдек боқарди.

Биз қистаганимиздан кейин Туронбой ота дам олишга рози бўлди. Сув шарқираб оқаётган ариқ бўйидаги гулларнинг ҳиди анқиб турган анорзор ўртасига ўтирдик. Сувнинг салқин шабадаси тегиб турарди. Туронбой ота бу ерда ҳам тек ўтирмади. Анорнинг шоҳини қайириб, баргларига бир-бир тикила бошлади. Шоҳларнинг учида гуллар қизариб турарди, пастда эса, ерга тегиб турган жойида катта-катта анорлар осилиб ётарди.

Қадим вақтларда ҳақиқий анорни фақат Фарғона ва Сурхон водийларидагина ўстириш мумкин, деган фикр бўларди. Туронбой Дадаматов бу фикрни рад этди. У Фарғонадан минглаб анор қаламчасини олиб келди. Улар яхши кўкарди.

Фарғоналиклар меҳмон бўлиб келишди, Анорнинг мазасини татишди ва:

— Бизлардан ўтқазиб юборибсиз, Туронбой ота! Сир ерда эмас, балки одамда экилгигига ишонч ҳосил қилдик, — дейишди.

Ажойиб боғбон Туронбой ота яшартирган ҳар гектар ердан олтмиш центнердан анор олиняпти, узумнинг ҳосилдорлиги эса бундан ҳам кўп — икки юз центнерга етяпти. Чизакам олтин гектарлар!

Қуёш қурида товланаётган қизил барг бирдан гитраб кетди? Унга шудринг, ёмғир томчиси эмас, балки тер томчилари тушган эди. Ҳа, Туронбойнинг пешанасидан бир томчи тер оқиб тушди. Мана, яна бир томчи тер қизариб турган тугунчага тушиб, меванинг қорамтил пўстлоғидан ерга сирганиб кетди...

Мен Тошкентга кечқурун қайтиб келдим. Йўл дам юқорига кўтарилар, дам пастга — дарага томон тушар, довонлар орқали ўтарди. Мен инсоннинг иродаси билан қовушган, эндиликда қумлар орасида йўқолиб кетмаётган ва худди беш бўлоқдек биргаликда шивирлаб оқаётган чашмалар ҳақида ўйлардим... Мен қўшда қорайган, пешанадан оқиб тушган тер томчилари ҳақида, халқ эртаклари ва афсоналаридагидек бирга қўшилиб қудратли дарёдек оқаётган халқнинг булоқ каби битмас-туганмас ташаббуси, ижоди ва кўтаринки руҳи ҳақида ўйлардим.

Йўлдош МУҚИМОВ,
Узбекистон ССР.
(«Правда», 1969 йил, 12 сентябрь).

Тошкентимиз чиройли тобора очилмоқда. Суратда: Охунбобоев майдони атрофи тасвирланган.

А. Тўраев фотоси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТАРОНАЛАРИ

Смар ШИМЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН

Чўққилари осмон билан саломлашган,
Оқшомларда юлдуз билан каломлашган,
Бургутлари булутлардан жой талашган,
Чўққиларда қор эриса, сойдан тошган,
Бағри кенг-у, ёв келганда танг-тор бўлган,
Ҳарбир ишда суянчиғи дўст-ёр бўлган
Олатоғнинг элларидан сенга салом,
Қалбимизга яқин диёр Ўзбекистон,
Дўстга ҳурмат сенда бисёр, Ўзбекистон!

Тўлқинларин шўх қушларга қучоқлатган,
Ҳорғин, хаста кўнгилларни хўп чоғлатган,
Соҳиллари уфқ билан қирғоқланган,
Сийнасига боққанлар завқ-илҳом олган;
Саратонда салқин излаб кезилмаган,
Изғирин ва совуқ қаҳри сезилмаган,
Хуш ҳавоси ёқимли, юз дардга даво,
Қучоғини чорлаб турган деб:—марҳабо!—
Шўх-у сермавж Иссиқкўлдан сенга
салом,
Меҳрибон дўст, доим сирдош Ўзбекистон,
Толеи ёр, эй, асрдош Ўзбекистон.

Кексаларинг истарали ҳам донишманд,
Ўғил-қизинг илму меҳнат бобида банд,
Олимларинг очмоқдалар илм сирин,
Ишчиларинг беш йиллининг чўнг
маррасин
Қувиб етди, фахрланар қирғиз эли,
Сенга ушбу ёрқин йўлни очган Ленин.
Таъзим қилар сенга доим қирғиз дўстинг,
Ютуқларинг кўриб, яна кўнгли ўсди.
Дилимиз бир, еримиз бир, Ўзбекистон,
Танамиз бир, теримиз бир, Ўзбекистон,
Олатоғлик қирғизлардан сенга салом!

Қирғизчадан
Абдуғани АБДУҒАФУРОВ таржимаси.

ДЕКАДА кунлари Карамўлда Урозов номидаги қирғиз Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрининг концертлари ҳам эўр кўтарилишлик билан ўтди. Суратда: шу коллектив солистқаси Гулмайрам Момушева.
А. Тўраев фотоси.

Она ерим

Темиркул Уметалиев,
Қирғизистон халқ шоири.

Юрагимга пайвандсан, жонажон қирғиз ерим —
Тупроғингга томади манглайдан қайноқ терим,
Изҳор этайин сенга меҳрим хазинасини —
Жоним сенга фидо-ю бахшийда қайноқ шеърим!

Қучоғингда танидим оқ сут берган онамни,
Қучоғингда кўрмадим жаҳолатни аламни,
Фидойилар бағрингда олар сукутда ором;
Қурбонларга ёнма-ён мангу ҳаёт, эзгу ном.

Бағрингдадир илк бора товонимни тилган тош,
Илм-нурга талпиниб кўтардим бағрингда бош.

Бахтимга кўзгу бўлган соҳибжамол, баркамол —
Бағрингдадир бир умр менга йўлдош қаламқош,

Инсонлигин таниган эл-элатим шу ерда,
Ҳар дақиқа яшарган мамлакатим шу ерда.
Башарият офтоби — буюк Ленининнинг номин
Менга илк бор танитган ҳақиқат ҳам шу ерда.

Онамни суйган каби мангу севдим еримни,
Майли, адоқсиз тўқай ерим учун теримни.
Керак бўлса кечарман жонимдан ҳам, Ватаним,
Қирғиз ерим — бўстоним, шеъру достоним маним!

Қирғизчадан Гулчеҳра ЖУРАЕВА таржимаси.

Б. САРНОГОЕВ

ТЕРИМЧИ ҚИЗ ДИЛБАРГА

Ун минг эмас, бир жоним,
Бир жонимни суй жоним.
Оташ бўлиб кетмайин,
Узнинг ўйлаб бил борин.
Утга ёндинг жонимни,
О, дилбарим, Дилбарим.

Укки билур тун жойин,
Булбул билур гул жойин,
Сарсонингман билолмай
Юрагингда ким борин.
Айла изҳор сирингни,
О, дилбарим, Дилбарим.

Гулдай яшнаб юришинг,
Қоп-қоп пахта теришинг,
Юрагимга ўт солди,
Сарсон этмай суй, жоним.
Сенсан қалбим, жаҳоним,
О, дилбарим, Дилбарим.

Нигоҳингдан дил ёнур,
Кўнда қуёш чўғланур.
Инки ўтга чидамай
Ериб борар бу жоним.
Ихтиёринг, не қилсанг,
О, дилбарим, Дилбарим.

ҲАЁТИЙ ҚИССАЛАР

ТАҚРИЗ

Ўзбек китобхонлари кўп миллатли совет адабиётининг таниқли вакили, Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати Чингиз Айтматовнинг ажойиб асарларини ўз она тилларида иштиёқ билан ўқимоқдалар. Унинг деярли ҳамма повесть ва ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган. Ғафур Ғулом номидаги Тошкент адабий адабиёт нашриёти яқинда Ч. Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим»[1]) китобини нашр этди. Китоб олти қиссадан иборат. Китобга кирган «Юзма-юз», «Жамила», «Бўтакўз», «Сомон йўли» каби қиссалар ҳақида матбуотимизда яхши фикрлар баён этилди. Унинг Давлат мукофоти билан тақдирланган «Алвидо, Гулсари!» повестининг ўзбекча таржимаси ҳам қисқа муддат ичида уч марта нашр қилинди.

Ёзувчи ҳаётнинг силлиқ томонларини рангли ойнада сохта ако этгирмайди, аксинча, уни бутун мураккаблиги билан диалектик тараққиётда, ёруглик билан зулмат, эзгулик билан бадбинлик, камолот билан инқироз, адолат билан ҳақсизликнинг кескин кураши жараёнида тасвирлайди.

Мавзу ва воқеалар ҳаммага таниш. Улуғ Ватан урушидан кейин халқ хўжалигини тиклаш қийинчиликлари. Ана шу даврда кишиларнинг тақдир-қисмати, бир-бирларига муносабатлари: туғилиш-улиш, севиш-севилиш, улғайиш, дўстлик, садоқат; сотқинлик, ҳасад, гараз... Бу орада урушдан олдинги фидойилик, жанг йилларидаги машаққат ва қурбонлар, ўсиш қийинчиликлари ҳамда мунаввар истиқбол ҳақида бадиий-фалсафий мушоҳадалар.

Асарнинг умумий схемаси ана шу. Аслини олганда, унда схема йўқ. Қиссанинг маълум жойига келганда ўқувчи воқеаларнинг бундан кейинги ривожи хусусида ўзича тасаввур қилиб кўриши мумкин. Йўқ, санъаткор воқеалар тасвирини китобхон қутган ва тахмин қилган изданً олиб бормайди, қутилмаганда уни бошқа томонга буриб юборади. Рақобат ҳақ ва ҳақсизлик, инсоф ва виждонсизлик, одамийлик ва ваҳшийлик, соддалик ва дабдабавозлик, самимият ва сохталикнинг қаттиқ тўқнашувидан келиб чиқади. Пировардида бу курашда оддий чўпон, матонатли коммунист Танабой ҳам, ҳаётининг сўнгги дамигача ҳақсизликка қарши индамай курашган, мулоҳазакор раис, сўнгги йилларда колхоз партия ташкилотининг секретари Жўра Саёқов ҳам, ҳалоллик, маъсумлик ва садоқат тимсоли бўлган Гулсари[2]) ҳам ана шу курашнинг қурбони бўладилар. Бироқ, шуниси китобхонга таскин ва тасалли берадики, воқеалар ингиҳосида, каттэ қурбонлар берилганига қарамай, адолат тарозисининг ҳаққонят палласи оғир келади. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди.

Чингизнинг ижодига хос бир яхши фазилат унинг бу асарида яна ҳам қабариб кўринади: ун да интернационаллик ва миллийлик уйғунлашиб кетган, бири иккинчисини тўлдиради ёки тақозо қилади. Шу оилан бирга, қисса дастлабки саҳифасидан то охиригача миллий руҳ билан суғорилган.

Н. В. Гоголь «Ўлик жонлар» насрий асарини поэма деб атагани сингари, «Алвидо, Гулсари!» повестини наср билан битилган назм деб бемалол аташ мумкин. Бу асарда шеъргa хос бирорта ҳам шаклий компонент (қофия, оғуғин, рукн, ҳижо каби) мавжуд бўлмагани ҳолда, ўқувчи ўзини поэзия оғушида ҳис қилади. Чунки унда ҳаққоний реалистик бўёқ билан бирга кўтаринки романтик рух, қайноқ ҳиссиёт, майин кўй, мусиқий образлар жарангоси ва гўзал лирик кечинмалар муҳайё.

Чингиз сўзга жуда хасис. Шуниси қизиқки, унинг айрим ижобий образлари шу қадар ҳамма ҳамма нарса учун» ўзини жавобгар деб ҳис қиладиганлардан. У жоҳил прокурор Сегизбоев, райком секретари Тўра Қашқатоев, қўрс, иқсирт раис Олдинов, қочқин Бектой ва ярамас келини билан тўқнашар экан, мулоҳазаси жуда қизиқ: «— Ажабо, қаёқдан ҳам бу ёруғ дунёга келаркан сендақа бетамизлар? На ор-номус, на иззат-ҳурмат, на бошқаларга яхшилик қилишни биласизлар. Фақат ўзларингни ўйлайсизлар!»

Ёзувчи «Алвидо, Гулсари!» повестида муайян бадиий деталлар воситаси билан катта бадиий фалсафий умумлашма яратади. Бамисоли кўз илгамас заррача парчаланиб, унинг қаъридан қудратли атом қуввати олингани сингари, кичик бир бадиий деталдан жиддий ижтимоий маъно келтириб чиқарилади, хусусий, жузъий нарсалардан умумий, қонуний ҳодисаларга кўчилади.

«Алвидо, Гулсари!» қиссаси ёзувчи Чингизнинг номини фақат қирғиз эли орасида эмас, балки Бутуниттифоқ адабиёт шинавандалари, қолаверса, жаҳон адабиёт мухлислари орасида кенг танитган навбатдаги хосиятли асар бўлиб майдонга чиқди.

Ғ. САЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

[1]) Чингиз Айтматов. «Сарвқомат дилбарим». Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент — 1969.

[2]) Гул ва сариқ сўзларидан саригул маъносида.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР

Марям МАҲМУТОВА,
Қирғизистон ССР халқ артистқаси.

Мана, кўркам ва файзли ўзбек диёрида зур муваффақият билан ўтган декадамиз ниҳоясига етди. Ун кун давомида қардош ўзбек ўлкасида меҳмон бўлдик, ўз тароналарримизни янгратдик.

Шахсан менга оў шодиёна жуда қимматлидир. Мен кўпдан бери ўзбек диёрида бўлишни, ўзбек саҳнасида ўз санъатимни намойиш этишни истаб келардим. Орзуим ушалди. Мен бутун декада қатнашчилари сафида ўзбекистонлик санъатсеварлар истиқболида бор маҳоратимни намойиш этдим. Тошкентдаги Алишер Навоий номли театр саҳнасида қўйилган «Манас» операсида Урунгу (Қунғирбойнинг яқин кишиларидан бири) ролини ижро этиш менинг зиммамга тушди.

Маданиятимизнинг бу катта шодиёнасидан яна бир ҳурсандлигим шундаки, менинг ёнимда қизим — Нарнис Акрамова ҳам қатнашди. Нарнис Тошкент Давлат консерваториясида профессор Г. С. Израэльнн раҳбарлигида таълим олган. У эндиликда менинг ўринбосаримдир. Менинг севиб ижро этган ҳамма ролларимни у меҳр ва маҳорат билан ўйнаяпти.

Менинг санъатдоши, саҳнадош яқин қадрдонларим Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Мухтор Ашрафий каби ўзбек санъат юлдузлари диёрида меҳмон бўлганим сира ёдимдан чиқмайди. Қирғиз санъатига, санъаткорларига меҳр қучоғини очган барча ўзбек халқига минг минг тасанно!

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Арген ЕСЕНҚУЛОВ,
Тўхтагул номидаги Давлат Қизил Байроқ ордени Қирғизистон Давлат филармониясининг директори.

Серқуёш Ўзбекистонда катта кўтаринкилик билан ўтган декадамиз чинакам қўшиқ байрамига айланиб кетди, Ўзбек тупроғига қадам қўйган дастлабки кундан бошлаб 10 кун мобайнида шаҳар кўчаларида, хонадонларда, боғларда, саройларда, саҳналарда ва эфир тўлқинларида қирғиз қўшиқлари ўзбек ашулаларига ҳамоҳанг бўлиб янграб турди.

Шуни ҳам айтиш керакки, декада қатнашчиларининг катта қисмини филармониямиз санъаткорлари ташкил этди. 1/0 кишидан иборат тўрт коллективимиз декада кунлари Ўзбекистоннинг область районларида ва шаҳарларида 28 концерт берди. Қирғиз элида ном қозонган филармониямизнинг санъаткорлари ранг-баранг программаларда концертлар қўйиб бериб, ўзбек санъат муҳлислари олқишига сазовор бўлганликлари билан хурсандмиз.

Биз фақат концертлар кўрсатибгина қолмай, балки ўзбек концерт коллективлари аъзолари билан яқиндан танишдик, ижодий суҳбатлар қурдик ва келгуси репертуар планларимизга ўзбек куй, қўшиқларидан қўшиш ҳақида фикрлашиб ҳам олдик.

Хулоса, декада қирғиз филармонияси ижодий коллективи учун катта имтиҳон бўлди.

МУҲАББАТ

Сотқин САССИҚБОЕВ

ҲИКОЯ

— Мен севган қизнинг исми Апал эди. Сизга қандай, билмадиму, лекин дунёдаги ҳамма исмлардан кўра бу исм менга кўпроқ ёқади. Биз Апал билан учрашганимизда ун чалик ёш эмас эдик. Ҳаётда киши баъзан вақтида уйланмасдан сўққабош бўлиб қолади. Ота-онам ёшлигимда ўлиб кетган.

Мен чигит экар ва ҳосилни пахта териш машинасида йиғиштирар эдим. Тенгдошларимнинг ҳаммаси бола-чақали бўлиб олишган эди. Бирга ишлайдиган хотинлардан бири: «Ҳеч қайси қиз энди Тўқматга тегмайди», — дегандагина мен ўзимнинг ёлғизлиқдаги тақдирим ҳақида чиқ-камига ўйлаб қолдим. Очиғини айтсам, шу куни жуда-жуда оилали бўлгим, кимнидир севгим, севилгим келиб кетди!..

Шу йили баҳорда Жалолободдаги механизаторлар курсини тамомлаган бир қирғиз қизи бизга тракторчи бўлиб келди. Уни Апал деб аташарди. Мен у билан узоқ вақт танишмай юрдим, тасаввуримдагидан бошқача бўлиб чиқмасин, деб қўрқар эдим. Аммо бизнинг учрашувимиз муқаррар эди ва ниҳоят кунлардан бир кун ўша соат ҳам етиб келди. Шу куни Апалнинг трактори бузилиб қолди. У машинанинг ҳамма ёғини ковлаб чиқди, механизмларни диққат билан кўздан кечирди, терлаб-пишиб роса овора бўлди-ю, лекин моторни юргиза олмади. Бечора қиз ерга ўтириб аччиқ-аччиқ йиғлади. Ҳаракатсиз турган трактор ёнида ўксиб йиғлаётган Апални кўргач, тракторимни тўхтатиб, сакраб тушдим, ана шунда бизнинг танишувимиз содир бўлди. Апал менга шунчалик ёқиб қолдики, бунн таъриф-лашнинг иложи йўқ.

«Нима бўлди, синглим?— Тракторинг ишламаяптими?» — ботинмайгина сўрадим.

Апалнинг бўлса аччиғи чиқиб кетди.

«Нима, кўрмаяпсизми?» — кескин гапирди у.

Мен калаванинг учини йўқотиб қўйдим ва шоша-пиша тракторни кўздан кечиришга киришдим. У эса ёвқараш билан жимгина мени кузатар эди.

Бузилган жойни топиб тузатдим, эздик билан моторни ишга солдим. Мотор худди томоғи тозалангандек, бир маромда тўхтамай гувиллаб ишлаб кетди.

«Яхши!— Апал кўзоғи билан қўл силкитди, жарангдор, қумушдек тиниқ товушда кулиб миннатдорчилик билдирди: — Раҳмат, сизга! Катта раҳмат!».

Апал ердан қавима камзулини олиб, сакраб тракторга чиқди ва олга силжий бошлади. Мен орқасидан қараб турар эканман, уни бир умрга севиб қолганимни ҳис қилар эдим. Бир лаҳзалик учрашувимиз Апалга кучли таъсир қилганлиги ва унинг ҳам юрагида сўнмас ишқ олови ёққанлигини ҳали билмас эдим. Шу куни Апалнинг некса онаси нечанчи мароталаб қизини қойиган эди:

«Қачонгача эркакча шим кийиб, трактор атрофида ўралашасан Ҳалиям бу ишингни ташла! Гапимга кир. Мамирга эрга тег. Мамир ўз қариндошимиз. У қариб қолган бўлсаям, сени ардоқлайди, қизим».

Онанинг гаплари Апал юрагида оғир тош бўлиб ётар эди. Отаси ва катта акасининг ўлимидан кейин онаси ҳаётидаги бирдан-бир маслаҳатчиси бўлиб қолганди. Унга ҳар доим ишонарди. Аммо ҳозир Апал тутақиб борарди. Мамир унга сира ҳам ёқмас эди. Унга теккандан кўра, ўлиб кетганим яхши, ўйлади Апал.

Шундай қилиб, Апал иккимиз бир-биримизни яхши кўриб қолдик. Кечқурунлари катта чинор тагида учрашар, ҳаёл сурар, бирга нафас олар, ўзимизни дунёдаги ҳамма ошиқлар каби энг бахтиёр киши деб ҳисоблар эдик. Апал кўп вақтларга Мамирнинг найранги ва онасининг ниятини менга билдирмай юрди. Хабардор бўлганимдан кейин, тутақиб кетдим, Апал иккимиз астойдил ҳаракат қилишга аҳд қилдик. Мен Апалларнинг уйига тез-тез борадиган бўлдим. Унинг онаси Умсиной мени мулойим қаршиласа ҳам, биринчи учрашувдаёқ ундан ёрдам ва хайрихоҳлик кутиш мумкин эмаслигини англадим. Мамирни кўриш ва у билан курашиш учун Апалларникига боришда давом эта бердим. Ахир бир куни биз учрашдик.

Мамир қанотларини кенг ёйган бойқушга ўхшаб ўтирарди. Мусқулдор юзининг териси учар, кулранг кўзлари эса менга тундлик билан шубҳали назар соларди. У қўли билан сийрак, чўчқа терисини эслатадиган сочини ва мошгуруч соқолини асабий тортқилай бошлади. Умсиной эўрагина: «Келинг, ўтиринг» деб мингилладида, шоша-пиша қизид барқут ва шойи тўпини (Мамир келтирган бўлса керак) бир чеккага суриб қўйди.

«Апал уйдами?» — атайлаб бепарволик билан сўрадим мен.

«У йўқ», — хўмрайиб жавоб берди Умсуной.

Мен Мамирга қарамасам ҳам, у ич-ичигача муалаб кетганлигини сездим.

«Апалга айтинг, мен уни ҳар кунгидек чинор ёнида кутаман»,— дедим ва ташқарига чиқдим.

Уйдан ҳали узоқлашмасимданоқ Мамирнинг чиқирган овози эшитилди:

«Ҳали улар учрашадиларми? Ким ўзи у?!»

«Билишни хоҳламайман! — Ўзини оқлашга уринарди Умсиной.— Уни кўришга кўзим учиб турганн йўқ!»

«Ким ўзи у?»— чиқирарди Мамир.

Мен кулимсираб қўйдим. Биринчи зарба берилган, уруш эълон қилинган эди. Шу кундан бошлаб Апал иккимиз одамлардан ўз муносабатларимизни яшириб ўтирмай, биргаликда кечадиган ҳаётимиз ҳақида ўйлай бошладик. Ниҳоят бир куни шундай қарорга келдик: эртага мен эски чемоданн, кўрпа ва ёстиқчамни олиб, куёв сифатида ётоқхонадан Апалларнинг уйига кўчиб ўтадиган бўлдим.

Тунги соат бирларда эртанги кун хаёллари билан маст бўлиб ухламай ётган эдим, дўстим Исмоил менга даҳшатли хабар олиб келди.

Мамир ва яна икки нотаниш киши номаълум машинада Апалнинг уйига келиб, уни ўғирлаб кетибдилар. У қичқирибди, қутулишга урининбди, аммо уни эўрлаб машинага чиқарлшиб, ғойиб бўлибдилар.

«Тез бўл! Мен машинада келганман!» шошилтирди Исмоил. Йўл-йўлакай кийиниб, ётоқхонадан югуриб чиқиб, машинада тебраниб борар эканман, Исмоилнинг пала-партиш гапларидан Апални Мамирнинг уйига олиб келишганини ва у ерда бутун расамади билан тўй тараддуди кетаётганини билиб олдим. Қозонларда мўл-кўл таомлар пиширилади. Кўплаб меҳмонлар базм бошланишини орзиқиб кутардилар. Мамирнинг уйи байрамдагидек безатилган. Фақат Апалгина қафасга солинган каптардек, қайғу-ғамга ғарқ бўлиб ўтирарди. Унга шойи кўйлак кийдиришиб, устидан барқут бешмат ёпиштиришган эдилар. Бошида шойи рўмол, оёғида бўёқлари ярақлаб турган мўъжаз махси. Бу дабдабали кийимларнинг ҳаммаси унга ёт, худди ўз галабасидан мамнун бўлиб ўтирган Мамирдек ёқимсиз туюларди...

Биз район милициясининг бошлиғи ва икки милиционерни олиб, Мамирнинг тўйига машинада елдек учиб борардик.

Милиционерлар билан қутилмаган вақтда чақирилмаган қўноқ бўлиб кириб борганимизда тўйдаги шовқин ва хурсандчиликлар ўз-ўзидан тиниб қолди. Саросималикка бошланди. Мамир ганди раклаб ўрнидан турди-ю, довдираб қолганидан бир оғиз ҳам гапиролмай, қолди.

«Тўйлар муборак, дўстлар, шўхчан қичқирди Исмоил, кейин Мамирга қараб ҳитоб қилди: —Э, Мамке! Қўлга тушрган қушчанги маҳкамроқ тут!»

Ҳамон довдираб турган Мамир ўзини қўлга олиб титроқ товушда гапирди.

«Сизларга нима керак? Бу ерда менинг тўйим...»

«Бу тўй эмас! — олдинга чиқдим мен. — Сен бировнинг қайдигини ўғирлагансан. Ихтиёрини поймол қилгансан».

«Елгон!» — муштларини қисиб, бўкирди Мамир.

«Йўқ! — ниҳоят Апал ўз газабига эрк бериб, бошини кўтарди. — Елгон эмас. Сен менинг ихтиёримга қарамай, эўрлик билан ўғирлаб келдинг».

«Ўлдираман!» — ғазабланган Мамир мушт ўқталиб Апалга ташланди.

Аммо шу пайт милиция бошлиги олдинга чиқди ва Мамир унинг қаршисида оғзини очиб, муштини юқори кўтарганича қотиб қолди.

«Гинчланинг, граждании», — деди унга бошлиқ.

«Мен Мамирман, — қўрқув аралаш ғулдиради Мамир. — Биз сен билан яхши танишмиз, бошлиқ...»

«Ҳозир яна ҳам яхшироқ танишиб оламиз», — кулимсираги бошлиқ протокол учун қоғоз олиб, ўтирар экан.

«Мен Мамирман...» — саросима ичида бидиллашда давом этди собиқ куёв.

«Мамир. Худди шундай ёзамиз», — рози бўлди бошлиқ ва ёзишга киришди.

Протокол тўлдирилиб, ҳижолатда қолган меҳмонлар тарқалиб бўлгач, Апални қўлидан тутдим, дўстларим ҳамроҳлигида Мамирнинг уйидан ташқарига чиқдик.

«Хурсандчиликни давом эттиришимиз мумкин! — эълон қилди Исмоил. — Тўй энди бошланади».

Апал менга шодлик тўла кўзлари билан тикилди.

О. Абдуллаев таржимаси.

КИРҒИЗ адабиёти ва санъати декадаси кунлари тошкентлик томошабинлар «Манас», «Асал» ва бошқа саҳна асарларини мароқ билан томоша қилишди. Рассом Н. Меламеднинг бу расмларида ана шу опера ва балетлардаги бош ролларнинг ижрочилари тасвирланган. 1. Қаникей — СССР халқ артистқаси С. Кийизбоева; 2. Манас — Қирғизистон халқ артисти К. Чодронов; 3. Қўнғирбой — республикада хизмат кўрсатган артист Х. Мухторов, («Манас» операсидан); 4. Бойтемир — Қирғизистон халқ артисти У. Сарбағишев; 5. Асал — Қирғизистон халқ артистқаси Р. Чўқоева; Самад — артист А. Абдужалилов; 6. Илёс — артист Б. Ўрунов.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР АНЖУМАНИ

Эртага Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўғирчоқ театрларининг I фестивали ўз ишини бошлайди.

Фестивали мезбон театр—Тошкент Давлат республика қўғирчоқ театри ўзининг «Гурий Львович Синичкин» спектакли билан очади. Бирин-кетин Олмаота, Фрунзе, Тошкент, Андижон театрлари ўзларининг энг яхши янги спектакларини намойиш қиладилар.

Олмаота театри А. Исмоиловнинг «Алдар кўса» комедияси билан С. Преображенский ва С. Образцовларнинг «Катта Иван» эртагини, Андижон театри Т. Турсуновнинг халқ қаҳрамонлик эпоси асосида ишлаган «Алпомиш» драмаси билан А. Анисимов ва В. Иогельсенларнинг «Ёқут қутича» эртагини, Фрунзе театри Д. Содиқовнинг «Эр тоштуқ» қаҳрамонлик драмаси билан В. Коростилёвнинг «Ой глобуси» фантастик ревюсини, Тошкент театри Ҳамид Олимжон поэмаси асосида Зулфия ва С. Сомова томонидан ишланган «Семург» романтик эртаги билан Е. Чеповецкийнинг «Қойил қилдинг, чиёвжон» эртак комедиясини кўрсатади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқлари қўғирчоқ театри билан азалдан таниш. «Қўғирчоқ ўйин» деб аталган ўзбек халқ қўғирчоқ театри қадимий традицион санъат бўлиб, асрлар давомида халқ оммасининг дунёқараши ва интилишларини, майли ва дидини ифода этиб, манфаатларини ҳимоя қилиб келган.

Қўғирчоқ ўйин айниқса XV аср ва XVI асрнинг бошида Мавераннаҳр ва Хуросонда яхши тараққий этади. Буюк шоиримиз Алишер Навоий, атоқли нотиқ Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа шоир, муаррихларнинг маълумотига кўра, бу даврда машҳур санъатнинг «Чодир жамол», «Чодир хаёл» ва «Фонус хаёл» деб аталувчи ҳамда қўғирчоқ ясаш ва уни ўйнатишда ҳамда томошалар мазмунига кўра бир-биридан кескин фарқланиб ўтувчи уч тури кенг тарқалган. Тахминимизча, иплар билан юқоридан бошқариладиган чодир хаёлда мифология, фонус ёрдамида қўғирчоқлар соясини тушириб томоша берадиган фонус хаёлда қаҳрамонлик эпоси ва эртак, қўлга кийиб ўйнатиладиган чодир жамолда эса конкрет ҳаётий воқелик акс эттирилган. Аммо, кейинги асрларда ижтимоий ҳаёт тақозоси билан ҳаётий воқелик асосида яратилган асарлар мифологик ва эпик репертуарни сиқиб чиқара бошлади.

Бизгача етиб келган «Полвон Качалнинг саргузаштлари», «Саркардалар» комедиялари шуни кўрсатадики, унда тирик амалдорлар, бойлар, судхўрлар, қаландарлар, ўғрилар, бангилар, ҳатто подшо ва дев қаттиқ ҳажв қилинган.

Қўғирчоқбозлар асрлар мобайнида эзилиб, камситилиб, таҳқирланиб келганлар. Октябрь инқилоби халқ қаторида уларга ҳам озодлик, эрк ва ҳуқуқ бахш этди. Ижод учун кенг йўл очилди. Пўлатжон Дониёров, Дониёр Шоҳсуворов, Қули Новвотов, Матёқуб Воисов сингари ўнлаб қўғирчоқ усталари қадимги театрни янги замон ,янги томошабинга хизмат қилдиришда жонбозлик кўрсатдилар.

Устозода қўғирчоқбоз, Пўлатжон Дониёров, Аҳрор Сайдалиев, Зулайҳо Исҳоқовалар қадимги театр анъаналари ва совет театри тажрибаси асосида 1937 йилда янги театрга пойдевор ташлайдилар. 1939 йилда бу группа республика қўғирчоқ театрига айлантирилди.

Мана ўттиз йилдирки, Тошкент қўғирчоқ театри ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. У 200 спектакль тайёрлаб, миллион-миллион томошабинга хизмат кўрсатди. Унинг саҳнасида «Сирли сандиқ» (Н. Ҳабибуллаев асари), «Алижон билан Валижон» (С. Абдуқаҳҳор), «Шавкатнинг саргузаштлари» (А. Қобулов ва Л. Бобохонов), «Темир бола» (Еқубхўжаев) каби бир қатор миллий пьесалар яратилиб, ўзбек қўғирчоқ драматургиясининг шаклланиши учун замин ҳозирланди.

Республика театри қошида тузилган студия негизида 1968 йилда Андижон область театри бунёдга келди. Андижон театри ёш бўлишига қарамай, ўнга яқин спектакль қўйиб, ёш томошабинларни мамнун этди.

Ўзбекистонда ҳозир иккита давлат қўғирчоқ театри, учта халқ қўғирчоқ театри, ўнлаб бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Қўғирчоқбозларнинг нуфузли анжумани ўтаётган шу кунларда театримизнинг истиқболи, вазифалари тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Театримиз шу пайтгача асосан эртак жанрига асосланиб, болаларга хизмат қилиб келди. Бу — олижаноб иш, бироқ агар қўғирчоқ театрининг асрий мавқеини тикламоқчи, уни умумхалқ санъатига айлантирмоқчи бўлсак, катта ёшдаги томошабинларга ҳам манзур бўлишини ўйлашимиз, бунинг учун зарур бўлган репертуар яратишимиз зарур. Шу мақсадда қўғирчоқ саҳнасида сержавқ, кулгили, энг муҳими, мазмундор сатиралар ва пародияларни яратишимиз керак. Албатта, қўғирчоқ театрига ҳам профессионал драматургларимиз қадам ранжида қилишсаларгина ушбу вазифани бажариш мумкин бўлади.

Қўғирчоқбоз режиссёр ва актёрларимиз қўғирчоқларни нуқул қўлда бош узра ўйнатиб келдилар, бошқача айтганда, чодир жамол техникасидангина фойдаландилар. Тўғри, бу турда қанчадан-қанча янгиликлар, ифодали воситалар топилди, тажрибалар ўтказилди.

Энди янги мазмун, янги техника асосида чодир хаёл театрини тиклашимиз зарур.

Қўғирчоқ театрлари фестивалининг Қирғизистон ва Қозоғистондан келган театрлар қаторида Ўзбекистон театрлари учун ҳам илҳом ва ижод манбаи бўлишидан умидвормиз. Чунки халқаро фестиваллар, конкурслар, турли халқлар санъаткорларининг дўстона, ижодий учрашувлари интернационалистик муносабатларни, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга санъатнинг янги чўққиларга кўтарилишига олиб келади.

М. ҚОДИРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Халқ талантлари концерти. 9.30 — Қўшиқлар. 10.10 — «Табассум» радиожурнали. 11.35 — Концерт. 12.15 — «Эртаблабки салом!» (Москва). 13.30 — Концерт (русча). 15.00 — «Ватаннинг ўқ ўтмас қалқони» (суҳбат). 15.10 — Концерт, 15.50 — Олмалиқ заҳбдори». 16.10 — Ўзбек куйлари. 17.00 — Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча. Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб эшиттирилади. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.40 — «Ассалом, нелажак» кантатаси. 21.00 — «Мамлакатлар ва қитъалар». 21.10 — Концерт (Пахтакорлар учун). 22.20 — «Табассум» радиожурнали (такрорий эшиттириш), 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Гимнастика ҳамма учун.

Рус тилида: 10.20 — Шкаф қаердан келган? (Болалар учун кинофильм). 10.30 — Звездочка (тележурнал), 11.00 — «Қор малина» (болалар учун мультфильм).

Ўзбек тилида: 12.00 — «Оталар жасорати» (Ўқувчилар учун). 12.30 Йўлбарс (бадиий фильм), 13.45 — «Ёшлик» студияси кўрсатади «Мардлик — мангулик», 16.55 — Кўрсатишлар программаси. 17.00 — Узбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча. Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — «Иван Бровнин қўрқида» (Бадиий фильм).

15 сентябрда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси. 18.00 — Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари қўғирчоқ театрлари фестивалининг очилиши олиб кўрсатилади. 18.40 — «Юлдузча» тележурнали (Ўзбек тилида). 19.20 — Телеэнгиликлар, 19.35 — Ҳарбий мемуарлар (Совет Армияси жангчилари учун), 19.55 — Менинг ўзим (телефильм), 20.35 — Кўрсатишлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.45 — телеэнгиликлар. 21.00 — «Оқ олтин карвон-карвоч» (пахтакорлар учун). 21.25 — Владимир Ульянов (Киноленинома). 22.00 — Абу Али ибн Сино (телевизион спектакль биринчи қисмининг премьераси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.55 — Кўрсатишлар программаси. 19.00 — Диққат, шаҳарда сеҳргар! (Болалар учун бадиий филм).

19.55 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IX да Парвона.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари,

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тирик мурда — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ярим ва кеч 8 яримда). «СПУТНИК» (кундуз 2, 3, кеч 8 ва 9 да), «МОСКВА» (кундуз 3 ва кеч 7 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9 да).

Хотинимнинг номуси — НАВОИЙ НОМЛИ, «ЧАЙКА» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ярим ва кеч 6 яримда). «СПУТНИК» (кундуз 12, 1, 5, кеч 6 ва 7 да).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 4-20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10 да бошланади)

Тирик мурда (1 ва 2-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Хотинимнинг номуси — «ХИВА.

Ҳаводаги саргузаштлар — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

ПУШКИН НОМЛИ БОГДА

20, 21, 22 сентябрда Узбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг

КАТТА КОНЦЕРТИ

Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ХАЙИТОВА:

СОЛИСТЛАР:

Отамурот ҲОЖИЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Жуманиёз СОБИРОВ, Раҳмон АБДУРАСУЛОВ, Нина ТЛГНИБИДНАЯ, Зумрат ҲОЖИЕВА, Руқия АБДУЛЛАЕВА, Жуманиёз БОБОЖОНОВ ва бошқалар.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли.

Концерт кеч соат 8-30 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

1970 ЙИЛ УЧУН

қуйидаги журналларга

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА:

«Узбекистон агитатори»
«Агитатор Узбекистана»
«Узбекистон Коммунисти»
«Коммунист Узбекистана»
«Партия турмуши»
«Партийная жизнь»
«Гулистон»
«Саодат»
«Муштум»
«Меҳнат ва турмуш»

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентликлари, алоқа бўлимлари ва тармоқлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилмоқда.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЕТИ.

1970 ЙИЛ УЧУН

қуйидаги газеталарга

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА:

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ»
«ПРАВДА ВОСТОКА»
«ҲАҚИҚАТИ УЗБЕКИСТОН»
«ЛЕНИН БАЙРОҒЫ»
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ».

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентликлари, алоқа бўлимлари ва тармоқлари, шунингдек ишлаб чиқариш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЕТИ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1970 йил январь ойидан бошлаб катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун СССР Фанлар академияси ва СССР педагогика Фанлар академиясининг илмий-оммабоп, физика-математик журнали — «КВАНТ»

НАШР ҚИЛИНА БОШЛАЙДИ

Индекс — 70465.

Обуна баҳоси: 1 ойга — 30 тийин; 3 ойга — 90 тийин; 6 ойга — 1 сўм 80 тийин; 12 ойга — 3 сўм 60 тийин.

УҚУВЧИЛАРГА «Квант» журналига обуна бўлинг.

Обунани «Союзпечать» бўлимлари ва агентлари, алоқа тармоқлари ва бўлимлари, шунингдек, ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштиришингиз мумкин.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги

«Союзпечать» бошқармаси

Тошкент шаҳрида ишлаш учун

УЗБЕКИСТОН ГОСПЛАНИ ҚОШИДАГИ САНОАТ ИҚТИСОДИ БЮРОСИГА

саноатни ташкил қилиш ва планлаштириш бўйича малакали иқтисодчилар, меҳнатни ташкил қилиш бўйича инженерлар, меҳнат физиологлари, саноат санитарияси бўйича мутахассислар, малакали машинистклар

КЕРАК

Маош лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг биринчи етакчи категорияси асосида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, А. Тўқаев кўчаси, 2-уй, 5-қават. 63-хона. Телефонлар 44-25-37, 44-25-27.

«УЗГИПРОСЕЛЬСТРОЙ»НИНГ ГУЛИСТОН ФИЛИАЛИГА

қурувчи-архитекторлар, электриклар, теплотехниклар, сантехниклар, инженерлик вазифасига газчилар, катта инженерлар, группа бошлиқлари ва лойиҳалаш бош инженерлари

КЕРАК

Қабул қилинганларга квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Заводская кўчаси 61-уй. Телефон 20-72.

Тошкент хладокомбинати коллективи, Узбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлиги ветсанинспекциясининг бошлиғи

Натан Хияевич ДАВИДОВнинг

вафот этганлигини билдиради ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқаро ҲАЁТ

ЗАГРЕБ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ЗАГРЕБ, 11 сентябрь. ТАСС мухбири Г. КИСЕЛЕВ хабар беради:

Бугун халқаро Загреб ярмаркаси очилди. Бу йилги Загреб ярмаркаси олтмишинчи марта ўтказилмоқда. Шу сабабли уни юбилей ярмаркаси деб аталмоқда. Павильонларда ва очиқ майдончаларда эллиқта мамлакатнинг беш мингдан ортиқ корхонаси ва ташқи савдо ташкилоти ҳамда Югославиянинг 1.200 дан кўпроқ фирмаси чорак миллион экспонатни намойиш қилмоқда.

СССР—Загреб ярмаркасининг энг катта қатнашчиларидан биридир. 7. 000 квадрат метрлик майдонда Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги турли тармоқларидаги муваффақиятларини тасвирловчи жуда кўп экспонатлар қўйилган. 22 та Бутуниттифоқ бирлашмаси бу ерга ўз маҳсулотини юборган.

Махсус бир бўлим Владимир Ильич Ленининг ҳаёти ва фаолиятига, Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамига қандай тайёргарлик кўраётганликларига бағишланган.

Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Румния, Чехословакия, Югославия, Куба халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ўз муваффақиятларини ва иқтисодий имкониятларини йил сайин ўсиб бораётганлигини ярмаркада намойиш қилганлар.

Халқаро Загреб ярмаркасини тантанали очиш маросимида Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито ҳозир бўлди. Ярмарка очилгандан кейин Президент ва Югославиянинг бошқа раҳбарлари бир қанча павильонларни, жумладан СССР павильонини кўздан кечирдилар.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

ХЕЛЬСИНКИ, 11 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон тинчлик кенгаши тинчлик тарафдорларининг барча миллий комитетларига, тинчлик учун курашувчиларнинг ташкилотларига ва барча холис, ният кишиларга мурожаат қилиб, уларни 10 сентябрдан бошлаб, Вьетнам Демократик Республикасининг марҳум президенти Хо Ши Мин хотирасига бағишланган ойлик ўтказишга чақирди.

Мурожаатда бундай дейилади: «Америка қўшинларини ва АҚШга қарам мамлакатларнинг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан батамом ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб қилингиз. Жанубий Вьетнам муваққат революцион ҳукуматини таниш тўғрисидаги талабни қувватлангиз, шу ҳукуматнинг Жанубий Вьетнам проблемасини ҳал қилишга қаратилган ва ўн моддадан иборат бўлган таклифларини қувватлангиз».

АТАКАМДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

САНТЬЯГО, 12 сентябрь. (ТАСС). Чилининг Атакам вилоятида фавқулодда ҳолат жорий этилган.

Бутун вилоятда студентларнинг ялпи намойишлари бошланиб кетгандан кейин Чили ҳукуматининг маъмурлари шу чорани кўрдилар. Намойишда қатнашган студентлар полиция репрессияларини тўхтатишни, бюджетдан маориф эҳтиёжларига белгиланган маблағларни кўпайтиришни, Атакам вилоятидаги аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилашни талаб қилишди.

Студентлар билан полициячилар ўртасида яқинда бўлиб ўтган тўқнашувда полициячилар намойишчиларни таёқлар билан уриб ва ёш оқизадиган газли граналаталар ташлаб, беш кишини жароҳатлантирди, шулардан икки киши оғир жароҳатланди.

БОШПАНАСИЗ ОИЛАЛАР

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Англияда уйсизлар проблемаси билан шуғулланувчи «Шелтер» жамоатчилик ташкилотининг кеча эълон қилган баёнотида, инглиз оилаларидан бир миллиондан кўпроғининг бошпанаси йўқ, дейилади.

«Шелтер» ташкилотининг директори Д. Вильсон Англиядаги уй-жой проблемасини инглиз миллати устига тушган доғ деди. Кеча ўтказилган матбуот конференциясида, у, ҳозир инглизлардан уч миллион киши вайроналарда истиқомат қилаётганлигини ҳам айтиб ўтди.

ШАХТАДА ПОРТЛАШ

АНҚАРА, 11 сентябрь. (ТАСС). Анатоли агентлиги хабар беради: тошкўмир шахтасида йиғилиб қолган газ портлаганлиги натижасида, дастлабки маълумотларга қараганда, ўнга яқин киши ҳалок бўлди.

Фалокат бугун эрталаб Туркиянинг Қора денгиз соҳилидаги Эрегл яқинида бўлган Зонгулдоқ кўмир ҳавзасида содир бўлди. Бу ерда портлаш натижасида ҳалок бўлганлар хабарда айтилганига қараганда кўпроқ бўлса керак, деб гумон қилаётирлар.

Болгария Халқ Республикасининг саноати тобора ўсиб бормоқда. Суратда: Шумен шаҳридаги автомобиль заводи цехларидан бири.

БТА—ТАСС фотоси.

ЭНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМА

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). «Морнинг стар» газетаси бундай деб ёзади: Европа хавфсизлиги проблемаси ҳозирги куннинг энг актуал проблемаси бўлиб турибди, бу проблемани ҳал этиш нақадар орқага сурилса, Европа ва умуман жаҳонга тахдид солаётган хавф шу қадар кўпаяверади. Газета Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европа хавфсизлиги масаласини муҳокама қилмоқ учун умумевропа Кенгаши чақиришни таклиф этганликларини қайд қилиб, Англия бу таклифни қўллаб-қувватлаши зарур, деб таъкидламоқда.

ТУРКМАН ЮМОРИ

СИЗНИ СИРА УНУТМАЙМАН

Бир йигитча ателъега кириб костюм заказ қилди. Тикувчи уста ўзини ҳар хил оҳангга солиб, ишни бошламасди. Шунда харидор унга деди:

— Чаққонроқ қимирласангизчи, тезроқ битириб берсангиз сизни сира унутмасдим.

Уч кундан кейин костюм тайёр бўлди. Харидор уни олди-да, жўнаб қолди.

— Ахир, сизни унутмайман деводингиз-ку,— деб харидорнинг эсига солди.

— Ваъдам эсимда, ҳеч қачон сизни унутмайман,— деди ҳаридор ва жўнаб қолди.

ШУНДАН КАМ ЭКАН-ДА

Бир бола отасидан сўради:

— Дада, одамлар одам меймундан пайдо бўлган дейишади, шу ростми?

— Ҳа, тўғри,— деди отаси.

— Нима учун ажойибхоналаримизда уларнинг камайиб қолганлигига энди тушундим, — деди бола.

ИЛОЖИ ЙЎҚ

Врач беморга маслаҳат берди:

— Энди сизга мутлақо тинчлик-хотиржамлик керак, айниқса, бошингизга, бўлмасам тузалмайсиз...

Бемор жавоб берди:

— Бунинг иложи йўқ. Касбим шуни тақозо этади.

— Э ҳа, ёзувчи бўлсангиз керак?

— Йўқ, сартарошман.

БИЛАРМОН

Бир китобхон кутубхонага кириб сўради:

— Бирорта бадиий адабиётдан танлаб берсангиз...

— Майли, «Пўлат қандай тобланди?»ни ўқий қолинг.

— Техникага доир адабиётларни кўнглим ёқтирмайди,— деди у гердайиб.

ХАЙРАТЛАНТИРА ОЛМАДИ

Эр хотинга деди:

— Туя бир ҳафта мобайнида ичмасдан юра олармиш, эшитганмисан?

— Ол-а, нима билан таажжублантирмоқчи бўласиз, — деди хотин. — Қани энди ўзингиз бир ҳафта ичмасангиз эди.

КИМ КАТТА!

Набираси бувисидан сўради:

— Буви, сиз каттами ё дадамми?

— Мен, қўзичоғим. Сенинг даданг мечинг ўғлим бўлади.

— Йўқ, сиздан дадам катта,— дея эътироз билдирди қизалоқ. — Унинг соқол-мўйлови бор. сизники эса йўқ.

ҮҒИЛНИНГ ЖАВОБИ

Ўғил отасига деди:

— Дада, менга барабан олиб беринг.

— Барабансиз ҳам сира уйқу бермаяпсан-ку,— деди отаси. Бордию, барабан олиб бersам кейин нима бўлишини ақлимга сиғдиролмайман.

— Уни сиз ухлагандан сўнгина чаламан,—деди бола.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ПАХТАКОР» ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

Вақт ўтган сари футбол майдонларидаги кураш кунданкунга кескинлашиб бораяпти. Ҳар бир команданинг, ўз мавқеидан, классидан қатъи назар, аниқ бир мақсадга интилиши, ўзига ҳос ташвиши ортмоқда. Командалар майли-я, миллионлаб ишқибозларнинг ташвиши, ҳаяжони, хомаки мўлжалларини айтмайсизми...

СССР терма командаси келаси йили Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олармикан, москвалик торпедочилар-ку Европа мамлакатлари кубок эгалари мусобақаларида биринчи босқичдаёқ сафдан чиқиб кетдилар. Мамлакат чемпиони — киевлик динамочилар Европа мамлакатлари чемпионлари мусобақасида қандай ўйнар эканлар? Бу йил Совет Иттифоқи чемпиони ким бўлар экан, «Пахтакор» келаси йили олий лигада қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қолармикан... Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозир футбол оламида кун тартибидаги масалалардир.

Мехико мусобақаларида қатнашиш масалаларининг масаласи бўлиб, терма командамиз аммасига жуда катта ва оғир масъулият юклайди: Туриндар билан бўладиган ҳар ики учрашувда бўш келмаслик, ўз ўйини билан ишқибозларни ҳайратга солган Шимолий Ирландия командасини Москвада қабул қилиш...

Хўш, мамлакатимиз ичидаги футбол «фронти»да аҳвол қандай? «Рапид» билан Москвадаги мағлубиятга тенг бўлган дуранг учрашувидан сўнг, торпедочилар мамлакат чемпионатида Ростов армиячиларини 2:1 ҳисобида енгиб, ҳозирчалик учинчи ўринга чиқиб олдилар. Бу ўрин узоққа борадими-йўқми? Бу саволга Марказий армия спорт клуби футболчилари, Москва ва Тбилисининг динамочилари яқин ўртада бўладиган ўз ўйинлари билан жавоб берадилар.

Қассобга мол қайғу, эчкига — жон, деганларидек, 14 команда чемпионлик унвони учун курашаётган бир пайтда «Олтиник»лар турнирида қатнашаётган командалар олий лигада қолиш учун гирмашмоқдалар. Худди шу «яхмалак» йўлда тойиб кетмаслик учун «Пахтакор» ҳам эстойдил курашмоқда. Олмаотада бўлиб ўтган сўнгги учрашув ўзбек футболчиларига дармон бағишлади. Улар қаддиларини ростлаб, оёқда тик туриб олдилар. Умуман, «Пахтакор»нинг кейинги ўйинлари мухлисларда унга яна муҳаббат уйғотмоқда. Шундай бўлса ҳам, ҳали кескин курашлар олдинда. Команда навбатдаги ғўрт ўйинни ўз уйида ўтказади. Шуларнинг натижаси масалани узил-кесил ҳал қилиб бериши керак. Шу тўрт саволдан биттасига ўтган жума куни жавоб олинди: «Пахтакор» Москванинг «Локомотив» командасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида галабага эришди.

Ишқибозларга маълумки, мусобақаларнинг биринчи босқичида ўзбек футболчилари «Локомотив»дан уч очко олиб, уларга бир очко қолдирган бўлсалар, «Олтиник»дар турнирининг дастлабки учрашувидаёқ Москвада (гарчи 1:0 ҳисобида бўлса ҳам) мағлубиятга учраган эдилар. Шунинг учун ҳам ўтган куни, ҳавонинг совуқ келишига қарамай, неча минглаб ишқибозлар «Пахтакор» стадионига оқиндилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида пахтакорчиларнинг ўз рақибларини бир оз менсимай хотиржамликка берилганликларини сезиш унчалик қийин эмас эди. Оқибатда темирйўлчиларнинг ҳимоячиси Беляков тиҳаффуга саноқли секундлар қолганида, ҳисобни очиб ўз командасини олдинга олиб чиқади. Рақиб билан ҳазиллашиш мағлубиятга олиб келишини сезган майдон эгалари ўйиннинг иккинчи ярмида ўз мақсадларини тўла намойиш қиладилар. 67 ва 68-минутларда кетма-кет икки тўп киритиб, ўйиндаги мувозанатни ўз фойдаларига оғдирадилар. Бу йилги мавсумда бомбардирлар рўйхатидан ўрин олган Бектошев эса ўз ҳисобидаги ўпларининг сонини 8 тага етказди. Мелкумов ўрнига майдонга тушган Исҳоқов иккинчи голнинг авторидир. Учрашувнинг 90-минутида мезбонларнинг иккита ҳимоячиси ўз жарима майдонида Исҳоқовни қоидага ҳилоф равишда тўхтатиб қолади. Бутуниттифоқ категорияли судья Бакиниде (Тбилиси шаҳри) тўпни 11 метрлик белгига олиб келиб қўяди ва Красницкий ўз ҳисобидаги тўпларни 90 тага етказади. Федотовчилар рўйхатига кириш учун бу моҳир ҳужумчига энди бир қадам қолди, холос.

Шундай қилиб, «Пахтакор» ҳеч қаёққа алангламай олга интилмоқда. Арман футболчилари ҳам бўш келмаяптилар. Улар худди шу куни ўз майдонларида «Уралмаш»ни 3:0 ҳисобида енгдилар.

ЎЙИН ЖАДВАЛИ

	У	Т	О
«Арарат»	28	41:32	32
«Пахтакор»	27	29:30	28
«Кайрат»	26	23:29	22
«Кр Советов»	27	30:37	20
«Уралмаш»	27	13:29	19
«Локомотив»	27	19:42	14

«Пахтакор» навбатдаги ўйинларда кетма-кет икки марта «Крылья Советов» командасини ўз майдонида қабул қилади.

А. МАЪЗУМОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 38—42. Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 215. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01734.